

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.K.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВ ШОДИБЕК ИСЛАМОВИЧ

**ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТА АСОСИДА БИОСТИМУЛЯТОРЛАР ВА
ШИРИНМИЯ ИЛДИЗИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТ ЧИҚИНДИСИ
АСОСИДА БИОЎҒИТ ОЛИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мулдарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctorof philosophy (PhD)

Касимов Шодибек Исламович:

Глицирризин кислота асосида биостимуляторлар ва ширинмия илдизини қайта ишлаш саноат чиқиндисен асосида биоўғит олиш3

Касимов Шодибек Исламович:

Получение биостимуляторов на основе глицирризиновой кислоты и биоудобрение на основе промышленных отходов переработки корня солодки.....21

Kasimov Shodibek Islamovich:

Obtaining biostimulants based on glycyrrhizic acid and biofertilizer based on industrial waste from the processing of licorice root.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВ ШОДИБЕК ИСЛАМОВИЧ

**ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТА АСОСИДА БИОСТИМУЛЯТОРЛАР ВА
ШИРИНМИЯ ИЛДИЗИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТ ЧИҚИНДИСИ
АСОСИДА БИОЎҒИТ ОЛИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/К384 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Матчанов Алимжон Давлатбоевич кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Арипова Салимаҳон кимё фанлари доктори, профессор Жалолов Иқболжон Жамолович кимё фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244 44 02, факс (99873) 244-44-93).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: 244 44 02, факс (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил « » кун тарқатилди.

(2022 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



В.У. Хўжаев
Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

М.Ё.Имомова
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
котиби, кимё фанлари бўлича фалсафа доктори (PhD)

Ш.В.Абдуллаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида замонавий биоорганик кимё фанининг муҳим тадқиқот соҳаларидан бири - маълум йўналишда таъсир этадиган биологик фаол моддалар синтези ва уларнинг модификацияси ҳисобланади. Ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмалар юқори биологик фаолликка эга бўлиши билан бирга синтетик бирикмаларга нисбатан ноҳўя таъсирлари камлиги, тирик организмга мос келиши ва ўзига хос хусусиятлари билан синтетик усулда олинган препаратларга қараганда бир қанча афзалликларга эга. Шунинг билан бирга, ўсимликларни ўсиш ва ривожланишини тезлаштирадиган табиий ўсимликлардан олинган биостимуляторларни яратиш ва Республикамиз ҳудудида ўсадиган ҳамда биологик фаол моддаларга бой бўлган ширинмия (*Glycyrrhiza glabra L.*) илдизини sanoat микёсида қайта ишлаш чиқиндиларидан биоўғит олиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда кўпгина йирик тадқиқот марказларида ўсимлик хом-ашёлари асосида олинган юқори самарали, биологик фаолликка эга бўлган стимуляторларни яратиш бўйича тегишли илмий ечимларни асослаш: галл кислота билан глицирризин кислотаси (ГК) ва унинг айрим тузлари билан супрамолекуляр комплексларини олиш, уларнинг сувда эрувчанлик хусусиятларини ошириш ҳамда уларни қайта ишлаш sanoati чиқиндиларидан қишлоқ хўжалиги экинлари учун биоўғит олишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ширинмия (*Glycyrrhiza glabra L.*) ўсимлиги чиқиндиларини утилизация қилиш ва улардан қишлоқ хўжалиги экинлари учун биоўғит олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ҳудудида ўсадиган ширинмия ўсимлигини қайта ишлашга мўлжалланган бир қатор корхоналар фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «Sanoatни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан, ширинмия илдизининг асосий таъсир этувчи моддаси глицирризин кислотаси (ГК), унинг ҳосилалари ва биостимуляторлик хоссаларини намоён қилувчи галл кислота (ГаллК) билан супрамолекуляр комплекс бирикмаларини олиш ҳамда уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика Фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» ва VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида полифеноллар ва уларнинг ҳосилаларини олиш ва уларнинг биологик фаолликлари кўплаб илмий лабораторияларда тадқиқ этилмоқда. Хусусан, галл кислотаси ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этиши, меваларни етиштириш жараёнларини бошқаришда иштирок этиши, ГК ва унинг ҳосилаларини олиш ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш бўйича хорижлик олимлар: A.L.Rozza, M.Levin, R.Akehurst, E.Kaltenthaler, A.G.Lee, Jin-Hee Hong, Minglei Tian, Hongyuan Yan, Г.А.Толстикова, Т.Г.Толстикова, В.И.Литвиненко, А.С.Аммосов, О.М.Ипатов, С.Б.Денисова, Ш.М.Халедлар томонидан ўсимликдан ажратиб олиш, кимёвий тузилишини аниқлаш, уларни модификация қилиш орқали янги турдаги супрамолекуляр бирикмаларни синтез қилиш, турли хил биологик фаолликларини, жумладан, антибактериал ва антиоксидант, яллиғланишга қарши фаолликларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориб, ушбу соҳанинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ўзбекистонда А.А.Тойчиев, Д.Н.Далимов, А.А. Ахунов, Ҳ.Ҳ.Қўшиев, А.Д.Матчанов, М.Б.Гафуровлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам айрим қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиш ва ривожланишига физиологик фаол моддаларнинг таъсири тадқиқ қилинган. Гарчи олиб борилган тадқиқотлар асосида айрим табиий бирикмаларнинг таъсир этиш хусусиятлари бўйича тегишли натижалар олинган ва хулосалар чиқарилган бўлса-да, табиий ва синтетик физиологик фаол моддаларни ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишидаги аҳамиятини аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳамон тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ. Олиб борилган тадқиқот натижаларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида табиий бирикмалар ва уларнинг модификацияланган комплексларининг таъсири етарли даражада ўрганилмаган. Шунга кўра, табиий бирикмаларни олиш ва улар асосида супрамолекуляр комплексларини олиш, физик-кимёвий ва ўсимликларнинг ўсиши ҳамда ривожланишига таъсирини аниқлаш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни амалга ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АМЗ-2019-41 «Шўрланган тупроқларда илдиз тизимининг маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш учун ширинмия ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Галл кислотасининг глицирризин кислотаси (ГК), ГК моноаммонийли (ГКМАТ), монокалийли (ГКМКТ) тузлари билан супрамолекуляр комплексларини олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини, шунингдек, *Glycyrrhiza glabra* - илдизини саноатда қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндилари асосида биоўғит яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ширинмия илдизи таркибидан ГК ва унинг тузларини олиш ҳамда тозалаш;

галл кислотасининг ГК, глицирризин кислотаси моноаммонийли (ГКМАТ) ва глицирризин кислотаси монокалийли (ГКМКТ) тузи билан турли хил моляр нисбатлардаги сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларини олиш;

олинган комплекс бирикмаларнинг кимёвий тузилиши ва физик-кимёвий, спектрал хусусиятларини ҳамда барқарорлигини тадқиқ этиш;

янги супрамолекуляр комплекс бирикмаларнинг реологик хоссаларини аниқлаш орқали сувли эритмаларда комплексларни мувофиқлаштирувчи кучлар табиатини баҳолаш;

олинган супрамолекуляр комплексларининг ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

ширинмия илдизини қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқинди сув ва глауконит минерали асосида биоўғит яратишга тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида галл кислотаси, ГК, ГКМАТ ва ГКМКТ билан супрамолекуляр комплекслари ҳамда ширинмия илдизини қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндилар олинган.

Тадқиқотнинг предметини галл кислотасининг ГК, ГКМАТ ва ГКМКТ билан супрамолекуляр комплекс бирикмаларини олиш, ГК илдизи саноат чиқиндиси асосида биоўғит олиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида органик ва биоорганик кимё (филтрлаш, хайдаш, экстракция, лиофил қуритиш), физик-кимёвий (ковушқоқлик) ва хроматографик (юпқа қатламли, колонкали хроматография, ЮССХ), замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари: инфрақизил (ИК) ва ультрабинафша (УБ) спектроскопия, масс-спектрометрия, индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия (ИБП-МС), биологик усулларидан фойдаланилган.

Таджикотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:
илк бор галл кислотасининг ГК, ГКМАТ ва ГКМКТ билан турли хил моляр нисбатлардаги сувда эрувчан супрамолекуляр комплекслари олинган;
янги олинган супрамолекуляр комплексларининг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий ва спектрал хусусиятлари тавсифланган;

олинган супрамолекуляр комплексларнинг барқарорлик константаси изомоляр сериялар усули асосида Гиббс эркин энергияси қийматиغا қараб аниқланди ва ГК:ГаллК (2:1), ГКМАТ:ГаллК (2:1) ҳамда ГКМКТ:ГаллК (2:1) моль нисбатларида супрамолекуляр комплекс ҳосил бўлишининг максимал унумига эришилганлиги ва нисбатан барқарор бўлиши исботланган;

сувли эритмаларда комплекс бирикмалар водород боғлари ва гидрофоб-гидрофоб ўзаро таъсирлашишлар ҳисобига барқарорлашиши аниқланган;

комплекслар таркибидаги галл кислотани сифат ва миқдорий аниқлашнинг ЮССХ усули ишлаб чиқилди ва амалий жиҳатдан олинган натижалар назарий жиҳатдан ҳисобланган натижаларга мос келиши исботланган;

комплекс бирикмаларининг биологик фаолликлари ГК:ГаллК (2:1), ГК:ГаллК (4:1) ва ГКМАТ:ГаллК (8:1) нисбатдаги супрамолекуляр бирикмаси бугдой (*Triticum aestivum* L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиши ҳамда галл кислотасининг бошқа комплексларига нисбатан фаолроқ эканлиги аниқланган;

ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизини саноат қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган кислотали чикиндини утилизация қилиш ва унинг глауконит минерали асосида мақбул таркибли биоўғит ишлаб чиқилди ҳамда уни гўзанинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсири мавжудлиги аниқланган;

Таджикотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ўтказилган таджикотлар натижасида янги олинган супрамолекуляр комплекслар бугдойнинг ўсиши ва ривожланишига самарали стимуляторлик таъсирга эгаллиги аниқланган;

ширинмия илдизини ишлаб чиқариш саноат чикиндиси қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган окава сув ва глауконитдан олинган биоўғит гўзанинг ҳосилдорлигини ўрта ҳисобда гектарига 8,7-14,1 центнерга оширган.

Таджикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Таджикот натижаларининг илмий аҳамияти галл кислота билан «*Glycyrrhiza glabra* L.» ўсимлиги илдизи таркибидан ажратиб олинган ГК, ГКМАТ ва ГКМКТ асосида янги супрамолекуляр комплекс бирикмалари олинди ва уларнинг кимёвий тузилиши, тургунлиги, реологик хусусиятлари ва комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари ва Гиббс эркин энергиялари ҳамда ширинмия илдизини бирламчи қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган кислотали сувнинг тўлиқ минерал таркиби ва глауконит минералининг таркибини аниқланиши билан изоҳланади.

Таджикот натижаларининг амалий аҳамияти галл кислотасининг янги супрамолекуляр комплексларининг биологик фаоллиги бугдой (*Triticum*

aestivum L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига стимулловчи таъсирга эга восита яратишга ва ширинмия «*Glycyrrhiza glabra L.*» илдизини саноатда бирламчи қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган кислотали чиқинди оқава суви утилизация қилишда глауконит минералидан фойдаланиш асосида янги турдаги биоўғит ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-тадқиқот усуларини инфрақизил спектроскопия, ультрабинафша спектроскопия, масс-спектрометрия, юқори самарали суюқлик хроматографияси, экстракция, грануляция, индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия (ИБП-МС), биологик усуллар асосида таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларнинг амалга оширилиши, уларнинг Республика ва халқаро конференциялардаги муҳокамаси бўлиб, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши ва патент олишга ариза топширилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Галл кислотасининг ГК, ГКМАТ ва ГКМКТ билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплексларининг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ширинмия ўсимлиги илдизпоясидан олинган глицирризин кислотаси ва унинг моноамонийли ва монокалийли тузларининг галл кислота билан турли нисбатдаги супрамолекуляр комплекслари (ГК:ГаллК, ГКМАТ: ГаллК ва ГКМКТ: ГаллК препарати) Сирдарё туманида жойлашган Ўзбекистон-Хитой «PENG SHENG» МЧЖ Қўшма корхонаси (ҚК) ишлаб чиқариш корхонаси терини ошлаш ва қайта ишлаш бўйича қорамол терисини ошлашда ҳамда сифатини яхшилаш амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон-Хитой Қўшма корхонаси (ҚК) ишлаб чиқариш корхонасининг 2021 йил 12 ноябрдаги Z/557-сонли маълумотномаси). Натижада дерманинг иссиқликка чидамлиги ва эркин ҳолатда чармни чўзганда унинг мустаҳкамлиги ошган;

Ширинмия ўсимлиги илдизпоясидан ГК олингандан сўнг илдизни қайта ишлаш саноат чиқиндилари қисман утилизация қилинган ва глауконит ҳамда оқава сув асосида макбул таркибли биоўғит Сирдарё вилояти Боёвут тумани фермер хўжаликларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 ноябрь № 02/026-4638-сон маълумотномаси). Натижада, назорат майдонига нисбатан ҳосилдорликни гектарига ўртача 8,7-14,1 центнерга ошириш имконияти яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертация ишнинг кириш қисмида диссертация мавзуси долзарблиги ва муҳимлиги, мақсад ҳамда вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, Ўзбекистон Республикаси фан ҳамда технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Глицирризин кислотаси ва полифеноллардан амалиётда фойдаланиш истиқболлари» деб номланган биринчи бобида, глицирризин кислотасининг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллиги, табiiй полифеноллар асосида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир килувчи моддаларни олиш, уларнинг физик-кимёвий ва спектрал хусусиятларини ҳамда биологик фаоллигини ўрганиш ва шу билан бир қаторда *Glycyrrhiza glabra L* ўсимлиги таркибидан асосий таъсир килувчи моддаси тритерпен сапонин ГК ва унинг тузларини ажратиб олишдаги бирламчи саноат қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган зарарли чиқитларни утилизация қилиш муаммолари ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси масаласига ижобий ёндашиш билан бирга қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур бўлган биоўғит ишлаб чиқариш масалалари келтирилган.

Диссертациянинг «Глицирризин кислотаси ва унинг тузларини галл кислота билан супрамолекуляр комплексларини олиш ва кимёвий хоссаларини ўрганиш услублари» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган асбоб-ускуналар, олинган бирикмалар таркибини кимёвий идентификациялашда спектрофотометрик, инфрақизил, УВ-спектроскопия ва хроматографик услублардан фойдаланиш ва суюқлик хроматографияси усуллари, супрамолекуляр комплексларни олиш ва идентификациялаш билан боғлиқ тадқиқот босқичлари, комплексларнинг барқарорлик константаларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «Галл кислотасининг глицирризин кислотаси ва унинг тузлари билан супрамолекуляр комплексларини олиш ва кимёвий хоссаларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида галл кислота ва глицирризин кислотаси, унинг моноаммонийли ва монокалийли тузлари билан супрамолекуляр комплексини олиш ҳамда олинган комплексларнинг физик-кимёвий таҳлили, супрамолекуляр комплексларнинг реологик хоссалари турли хил эритувчилар системасида ва турли хил ҳароратларда ўрганилиб, янги супрамолекуляр бирикмаларнинг буғдойнинг “Дўстлик” навига стимуляторлик хоссалари ўрганилганлиги келтирилган.

Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли, монокалийли тузларининг галл кислотаси билан супромолекуляр комплекслари олинди:



Бу ерда $n = 2, 4, 8, 10$. $R = H, K, NH_4$

1-схема. Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли, монокалийли тузлари билан галл кислотасининг комплексларини олиш
1- жадвал.

ГК, ГКМАТ ва ГКМКТларининг ГаллК билан олиingan супрамалекуляр комплексларининг физик-кимёвий константалари

Комплекc (моль нисбат)	Суюқланиш харорати (парчаланиш билан) °С	Унум, %	Эрувчанлик (сувда 25°C)
ГК:ГаллК 2:1	184±1	98,3	+
ГК:ГаллК 4:1	186±1	98,2	+
ГК:ГаллК 8:1	188±1	97,7	+
ГК:ГаллК 10:1	190±1	98,5	+
ГКМАТ:ГаллК 2:1	192±1	98,6	+
ГКМАТ:ГаллК 4:1	194±1	98,8	+
ГКМКТ:ГаллК 8:1	195±1	97,8	+
ГКМКТ:ГаллК 10:1	197±1	98,1	+
ГКМКТ:ГаллК 2:1	198±1	99,3	+
ГКМКТ:ГаллК 4:1	200±1	98,4	+
ГКМКТ:ГаллК 8:1	202±1	98,2	+
ГКМКТ:ГаллК 10:1	203±1	97,9	+

Ишимизнинг кейинги босқичида олиingan супрамалекуляр комплексларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш мақсадида ИҚ- ва УБ-спектроскопия тахлили амалга оширилди. Супрамалекуляр комплексларнинг тузилишини ўрганишда органик молекулаларнинг электромагнит нур ютилиши асосида молекулалаги кечадиган жараёнларга асосланган физикавий усуллар, хусусан, уларнинг УБ- ва ИҚ-спектрлар кенг қўлланилди.

Бунда бошлангич маҳсулотлар (ГК ва ГаллК) ва ГК:Галл кислота 2:1 супрамолекуляр комплексининг ИҚ-спектрларини ўзаро солиштириш асосида таҳлил қилинди.

Комплексе бирикмаларнинг ИҚ-спектрларида (2-жадвал) ГК молекуласидаги ОН гуруҳларининг валент тебраниш частоталари 3404 см^{-1} да, комплекс ИҚ-спектрида эса 3318 см^{-1} соҳада намоён бўлган. ОН гуруҳларининг валент тебраниш частоталари 86 см^{-1} га фарқ қилиши ҳамда кенг “елка” кўриниш ҳосил қилганлиги комплекс ҳосил бўлишида водород боғларининг ҳиссаси борлигидан далолат беради.

ГК молекуласининг агликон қисмидаги (С-11) карбонил гуруҳининг валент тебраниш частотаси 1651 см^{-1} кузатишган, комплексда у 1615 см^{-1} да намоён бўлиб, 36 см^{-1} фарқ қилганлигидан комплекс ҳосил бўлишида карбонил гуруҳларининг ҳам иштироки мавжуд, деб хулоса қилиш мумкин.

2-жадвал


ГК, ГКМАТ ва ГКМКТнинг ГаллК билан комплексларининг УБ- ва ИҚ-спектр маълумотлари

№	Олинган моддалар	УБ λ_{max} , нм (lge)	ИҚ-спектр (ν , см^{-1})
1	Галл кислота (3,4,5 учгидроксibenзой кислота)	271(4,8) 216(5,3)	$\nu(\text{OH})=3300-3400$, $\nu(\text{CH})=2924, 2900$, $\nu(\text{C=O})=1712$, $\nu(\text{C=C})=1624, 1455$
2	ГК	258(4,3)	$\nu(\text{OH},)=3404$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2937$, $\nu(\text{C=O})=1715$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C=C})=1651$, $\nu(\text{COO}^-)=1588$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1456$, $\delta(\text{CH})=1387, 1213$, $\delta(\text{C-O-C}, \text{C-OH})=1167$, $\nu(\text{C-O-C})=1041$, $\delta(=\text{CH})=975$
3	ГК:Галл кислота 2:1	259(4,6) 219(4,4)	$\nu(\text{OH},)=3318$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2929$, $\nu(\text{C=O})=1701$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C=C})=1615$, $\nu(\text{COO}^-)=1588$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1452$, $\delta(\text{CH})=1388, 1328, 1212$, $\delta(\text{C-O-C}, \text{C-OH})=1165$, $\nu(\text{C-O-C})=1035$, $\delta(=\text{CH})=981$
4	ГК:Галл кислота 4:1	258(4,8) 223(4,5)	$\nu(\text{OH},)=3376$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2948$, $\nu(\text{C=O})=1716$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C=C})=1621$, $\nu(\text{COO}^-)=1588$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1452$, $\delta(\text{CH})=1347, 1215$, $\delta(\text{C-O-C}, \text{C-OH})=1173$, $\nu(\text{C-O-C})=1035$, $\delta(=\text{CH})=981$
5	ГК:Галл кислота 8:1	258(4,6)	$\nu(\text{OH},)=3387$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2947$, $\nu(\text{C=O})=1700$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C=C})=1645$, $\nu(\text{COO}^-)=1588$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1387$, $\delta(\text{CH})=1362, 1213$, $\delta(\text{C-O-C}, \text{C-OH})=1172$, $\nu(\text{C-O-C})=1041$, $\delta(=\text{CH})=981$

2-жадвал давомни

6	ГКМАТ:Галл кислота 2:1	261(4,7) 218(4,8)	$\nu(\text{OH},)=3310$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2879$, $\nu(\text{C}=\text{O})=1701$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C}=\text{C})=1615$, $\nu(\text{COO}^-)=1591$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1452$, , $\delta(\text{CH})=1388$, 1347, 1212, $\delta(\text{C}-\text{O}-\text{C}, \text{C}-$ $\text{OH})=1211$, $\nu(\text{C}-\text{O}-\text{C})=1037$, $\delta(=\text{CH})=978$
7	ГКМАТ:Галл кислота 4:1	258(5,0) 222(4,7)	$\nu(\text{OH},)=3376$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2939$, $\nu(\text{C}=\text{O})=1716$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C}=\text{C})=1621$, $\nu(\text{COO}^-)=1590$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1452$, , $\delta(\text{CH})=1358$, 1211, $\delta(\text{C}-\text{O}-\text{C}, \text{C}-$ $\text{OH})=1173$, $\nu(\text{C}-\text{O}-\text{C})=1031$, $\delta(=\text{CH})=978$
8	ГКМАТ:Галл кислота 8:1	257(4,8)	$\nu(\text{OH},)=3387$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2942$, $\nu(\text{C}=\text{O})=1700$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C}=\text{C})=1645$, $\nu(\text{COO}^-)=1590$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1388$, , $\delta(\text{CH})=1362$, 1213, $\delta(\text{C}-\text{O}-\text{C}, \text{C}-$ $\text{OH})=1172$, $\nu(\text{C}-\text{O}-\text{C})=1031$, $\delta(=\text{CH})=980$
9	ГКМКТ:Галл кислота 2:1	261(4,8) 219(4,9)	$\nu(\text{OH},)=3312$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2943$, $\nu(\text{C}=\text{O})=1701$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C}=\text{C})=1615$, $\nu(\text{COO}^-)=1598$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1452$, , $\delta(\text{CH})=1388$, 1328, 1211, $\delta(\text{C}-\text{O}-\text{C}, \text{C}-$ $\text{OH})=1165$, $\nu(\text{C}-\text{O}-\text{C})=1032$, $\delta(=\text{CH})=981$
10	ГКМКТ:Галл кислота 4:1	258(4,9) 222(4,3)	$\nu(\text{OH},)=3319$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2948$, $\nu(\text{C}=\text{O})=1716$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C}=\text{C})=1621$, $\nu(\text{COO}^-)=1595$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1452$, , $\delta(\text{CH})=1347$, 1212, $\delta(\text{C}-\text{O}-\text{C}, \text{C}-$ $\text{OH})=1173$, $\nu(\text{C}-\text{O}-\text{C})=1032$, $\delta(=\text{CH})=978$
11	ГКМКТ:Галл кислота 8:1	257(4,9)	$\nu(\text{OH},)=3315$, $\nu(\text{CH}, \text{CH}_2, \text{CH}_3)=2942$, $\nu(\text{C}=\text{O})=1700$, $\nu(\text{C}_{11}=\text{O}, \text{C}=\text{C})=1602$, $\nu(\text{COO}^-)=1588$, $\delta(\text{CH}_2, \text{CH}_3)=1387$, , $\delta(\text{CH})=1362$, 1213, $\delta(\text{C}-\text{O}-\text{C}, \text{C}-$ $\text{OH})=1172$, $\nu(\text{C}-\text{O}-\text{C})=1032$, $\delta(=\text{CH})=979$

Ишнимизнинг кейинги босқичида олинган супрамолекуляр комплекс ҳосил бўлиш жараёни УБ-спектроскопия усули асосида таҳлил қилинди.




1-расм. ГК:Галл кислота 2:1 нисбатда олинган супрамолекуляр комплекснинг УБ-спектри.


ГК нинг УБ-спектрида 258 нм тўлқин узунлиги соҳасида ютилиш максимуми кузатишган, ушбу ютилиш максимуми ГК молекуласининг «С»

ҳалқасида жойлашган карбонил гуруҳи билан конъюгирланган ҳолатда жойлашган қўшбоғ ўртасидаги $n \rightarrow \pi^*$ электрон ўтишлар ҳисобига ҳосил бўлади. Галл кислота УБ-спектрида 216 нм ва 271 нм соҳаларда ютилиш максимумлари кузатилиб, комплексларнинг УБ-спектридаги ютилиш максимумларида галл кислотанинг ютилиш максимумларига нисбатан «гипсохром», ГК УБ-спектрининг ютилиш максимумларига нисбатан эса қисман «батахром» эффектларининг кузатилиши молекуляр комплексе ҳосил бўлишида молекуляр орбиталлардаги электронлар ҳам бевосита иштирок этганлигидан dalolat беради.

Комплекслар компонентларининг стехиометрик нисбатларини аниқлашда турли хил буфер муҳитларда (фосфатли, PBS-, PBS+) изомоляр усулидан фойдаланилди ҳамда комплексларнинг барқарорлик константаси ва Гиббс эркин энергия қийматлари аниқланди. Изомоляр серияларнинг графигида (2-расм, а) 238 нм ҳамда 322 нм ларда изобестик нуқталар мавжудлиги эритмада бир хил типдаги комплекслар бўлаётганлигидан dalolat беради.



2-расм, а) ГК:ГаллК комплексининг изомоляр сериялар усулида антибат нисбатларда (1:9 дан 9:1 гача) олинган УБ-спектрлари



2-расм, б) ГК:ГаллК комплекси изомоляр сериялари оптик zichligi билан реагентлар концентрациялари нисбати bog'liqlik графиги

Изомоляр серияларнинг оптик zichligi билан дастлабки реагентларнинг концентрациялар нисбати орасидаги bog'liqlik графиги (2-расм, б) ГК ва ГаллК 2:1 моль нисбатда комплексе ҳосил бўлишининг максимал унумига эришганлигини билдиради. 2:1 нисбатдаги комплекслар учун барқарорлик константаси (1) ва Гиббс эркин энергиясини қуйидаги формулаларга (2) мувофиқ ҳисобланди:

$$K = \frac{(c_1 \sqrt{\Delta \epsilon_1} - c_2 \sqrt{\Delta \epsilon_2})(\Delta \epsilon_1 \sqrt{\Delta \epsilon_2} - \Delta \epsilon_2 \sqrt{\Delta \epsilon_1})}{4(\Delta \epsilon_1 c_1 - \Delta \epsilon_2 c_2)^2} \quad (1)$$

$$\Delta G = -2,3RT \lg K \quad (2)$$

Бу ерда c_1 -модданинг умумий концентрацияси, M ; c_2 -суюлтирилгандан кейинги умумий концентрацияси, M ; ΔA_1 ва ΔA_2 - суюлтиришдан олдинги ва кейинги оптик зичликларнинг ўзгариши кузатилади.

3-жадвал

ГК:ГаллК, ГКМАТ:ГаллК ва ГКМКТ:ГаллК комплексларининг барқарорлик константаси (K) ва Гиббе эркин энергиялари (ΔG) қийматлари


№	Комплекслар	K, M^{-1}	$\Delta G, Дж/моль$
1	ГК:ГаллК	$(5.36 \pm 0.1) \times 10^6$	$(-3.86 \pm 0.1) \times 10^4$
2	ГКМАТ: ГаллК	$(4.71 \pm 0.1) \times 10^6$	$(-3.83 \pm 0.1) \times 10^4$
3	ГКМКТ: ГаллК	$(5.47 \pm 0.1) \times 10^6$	$(-3.86 \pm 0.1) \times 10^4$

Ушбу катталиклардан (3-жадвалдан) кўришиб турибдики, комплексларнинг барқарорлиги меъзон молекула сифатида ГК, ГКМАТ ёки ГКМКТ олинганда ҳам деярли бир хилдаги қийматларга тенг бўлди, буидан меъзон молекуладаги H^+ , NH_4^+ ҳамда K^+ ионлари комплексларнинг барқарорлигига сезиларли таъсир кўрсатмади, деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу жараёнларда Гиббе эркин энергиясининг сон қиймати $\Delta G < 0$ бўлганлиги комплекс ҳосил бўлиш жараёни ўз-ўзидан борадиган жараён эканлигидан далолат беради. Маълумки, термодинамик жиҳатдан Гиббе эркин энергиясининг сон қиймати қанча кичик бўлса, у система шунчалик барқарор ҳисобланади. Демак, олинган комплекслар сувли муҳитда етарли даражада барқарор эканлигини кўрсатди.


Супрамолекуляр комплексларнинг гидродинамик хусусиятлари

Супрамолекуляр комплекслар ҳосил бўлишида қандай турдаги таъсирлашувларнинг ҳиссаси юқорилигини аниқлаш мақсадида ГКМАТ:Галл К комплекснинг (2:1) турли муҳитдаги мочевина (молекулалараро водород боғларни парчаловчи), ксилоза (системадаги гидрофоб таъсирлашувга мойил агент) эритмаларидаги қовушқоқликлари ўрганилди. 0,01M мочевина эритмасида комплекснинг концентрацияси ортиши билан келтирилган қовушқоқлик ортиб, оқувчанлик камайиб бориши кузатилади.

Бунда дастлаб келтирилган қовушқоқликнинг концентрацияга боғлиқлиги тўрт хил ($25^\circ C$, $30^\circ C$, $35^\circ C$, $40^\circ C$) ҳароратларда ўрганилди. Бунда барча ҳароратларда концентрация 0,4% га етгунга қадар келтирилган қовушқоқлик ортиб бориши кузатилади, $40^\circ C$ да эса нисбатан энг кичик (0,025 %) концентрацияли эритманинг келтирилган қовушқоқлиги 0 га яқинлашди. Умуман олганда, ҳароратнинг ортиб бориши барча концентрацияларда ҳам келтирилган қовушқоқликнинг камайишига олиб келиши кузатилади.



3-расм, а). GKMAT-ГаллК 2:1 комплексини сув эритмасида турли ҳароратда келтирилган қовушқоқлигини концентрацияга боғлиқлик графиги. а-25°C, б-30°C, в-35°C ва г-40°C




3-расм, б). GKMAT-ГаллК 2:1 Супрамолекуляр комплексини 0.01 М ксилоза муҳитида келтирилган қовушқоқликлари а-25°C, б-30°C, в-35°C.

3.а-расмда кўринадики, комплексларнинг сувли эритмалари қовушқоқлиги эритма концентрацияси камайиши, яъни эритувчи молекулаларининг миқдори ортиши натижасида мицелляр структураланишни ҳосил қилувчи молекулалараро таъсирлашувини камайтириши билан тушунтириш мумкин. Ҳарорат кўтарилиши эритмада молекулаларнинг Броун ҳаракати ортиши сабабли мицелляр структуралар бузилиши асосида келтирилган қовушқоқликнинг камайиб боришига сабаб бўлиши мумкин.

3.б-расмда 0,01 М ксилоза муҳитида қовушқоқлик ўрганилганда, GKMAT:ГаллК комплекс эритмасининг келтирилган қовушқоқлигида кескин даражадаги ўзгариш кузатилмади. Демак, комплекс ҳосил бўлишида гидрофоб таъсирлашишлар кучли эмас, деб хулоса қилиш мумкин. Бунда ҳароратга боғлиқлиги ўрганилганда, 25°C ҳароратда ксилоза муҳитида келтирилган қовушқоқлик концентрация ортиши билан қовушқоқлик ортиб бориши тўғри чизикли боғланишга эга эканлиги кузатилди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида олинган супрамолекуляр комплексларни идентификация қилиш ва миқдорий таҳлил қилиш мақсадида ЮССХ усулидан фойдаланилди. Галл кислотанинг ГК билан олинган супрамолекуляр комплексларининг хроматографияси элюент изократика усулида, оким тезлиги 1мл/мин да бўлиб, элюент сифатида ацетонитрил:ацетатли буфер системасидан фойдаланилди (4-расм).



4-расм. А)GKMAT стандарт эритмаси хроматограммаси
Б)GKMAT:ГаллК нинг супрамолекуляр (2:1) комплекси хроматограммаси.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, супрамолекуляр комплекс бирикмалар таркибидаги глицирризин кислотасининг миқдори назарий жиҳатдан ҳисоблангандаги билан бир хил эканлиги ва хатолик даражаси $\pm 1-1.5\%$ ни ташкил қилиши аниқланди.

4-жадвал

ГК, ГКМАТ ва ГКМКТ лари галл кислота билан олинган комплекс бирикмалар таркибидаги галл кислотанинг миқдорий таҳлили натижалари

№	Комплекслар	Назарий жиҳатдан ҳисобланган миқдор мг/%	Амалда топилган миқдори, мг/%	Назарийга нисбатан % да
1	ГК:ГаллК 2:1	9361.0	9202.0	98.3
2	ГК: ГаллК 4:1	4910.0	4847.0	98.2
3	ГК:ГаллК 8:1	2517.0	2459.0	97.7
4	ГК:ГаллК 10:1	2024.0	1999.0	98.5
5	ГКМАТ:ГаллК 2:1	9179.0	9060.0	98.6
6	ГКМАТ:ГаллК 4:1	4810.0	4752.0	98.8
7	ГКМАТ:ГаллК 8:1	2464.0	2410.0	97.8
8	ГКМАТ:ГаллК10:1	2063.0	2023.0	98.1
9	ГКМКТ:ГаллК: 2:1	8985.0	8922.0	99.3
10	ГКМКТ:ГаллК 4:1	4704.0	4629.0	98.4
11	ГКМКТ:ГаллК 8:1	2408.0	2365.4	98.2
12	ГКМКТ:ГаллК 10:1	1936.0	1894.0	97.9

ЮССХ усули асосида комплексларнинг таркибидаги галл кислотаси миқдорлари назарий жиҳатдан ҳисобланган миқдорларига мос келиши ва уларнинг фарқи 1,0-2,0% дан ошмаслигини кўриш мумкин. Бу эса олинган супрамолекуляр комплекс бирикмаларини стандартлашда ЮССХ усулидан фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатади. Сифат жиҳатидан моддаларнинг стандарт ГК нинг колонкада ушланиш вақти (5,5-6,5 мин) га қараб белгиланди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида олинган супромалекуляр комплексларнинг бугдой (*Triticum aestivum L.*) нинг ўсиш ва ривожланишига стимуляторлик таъсири натижалари ўрганилди. Тадқиқот объекти сифатида кузги бугдойнинг “Дўстлик” нави танланди.

Хлорофиллар миқдорининг 6 та вариантлар кесимида ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, хлорофилл миқдори энг кўп ГК:ГаллК 4:1 вариантда 10^{-7} М ли эритмаси билан ишлов берилган бугдой донларидан униб чиққан майсаларда кузатилди ва у 32,41 та хлорофиллар бўлди.

Супрамолекуляр комплексларнинг бугдой донининг унувчанлигига ва хлорофилл микдорига таъсири

Вариантлар	Концентрация	Дон огирлиги, г	Унувчанлик, % да			Хлорофилл микдори
			1-кунда	2-кунда	3-кунда	
ГК (назорат)	10^{-6}	$0,68 \pm 0,02$	$81,10 \pm 2,67$	$81,12 \pm 2,66$	$85,44 \pm 3,08$	$9,33 \pm 0,43$
ГК (0.5% ли NaCl)	10^{-6}	$0,72 \pm 0,02$	$68,88 \pm 5,62$	$70,385 \pm 4,1$	$75,33 \pm 6,01$	$7,39 \pm 0,53$
ГК:ГаллК 4:1 (назорат)	10^{-4}	$0,72 \pm 0,01$	$88,33 \pm 4,19$	$89,99 \pm 3,33$	$89,99 \pm 3,33$	$20,01 \pm 3,30$
ГК:ГаллК 4:1 (0.5% ли NaCl)	10^{-7}	$0,69 \pm 0,03$	$91,66 \pm 3,19$	$91,66 \pm 3,19$	$91,65 \pm 5,00$	$32,41 \pm 1,90$
ГКМАТ:ГаллК 8:1 (назорат)	10^{-6}	$0,71 \pm 0,02$	$75,55 \pm 2,22$	$78,88 \pm 2,04$	$82,21 \pm 2,22$	$26,94 \pm 2,88$
ГКМАТ:ГаллК 8:1 (0.5% NaCl)	10^{-6}	$0,70 \pm 0,01$	$75,55 \pm 3,29$	$81,10 \pm 3,18$	$83,32 \pm 3,33$	$7,39 \pm 0,53$



Юқорида маълумотлар таҳлилидан шуни кайд этиш мумкинки, глицирризин кислотаси ва унинг комплексларига: (ГК:ГаллК 4:1) натрий хлорид тузи қўшилганида физиологик жараёнлар тезлашганлиги кайд этилди. Буни унувчанликнинг 89.99% дан 91.65% га ошганлиги ёки бўлмаса хлорофилл микдорининг 20.01 дан 32.41 кўпайганлигидан ҳам кўриш мумкин. Маълумки, дон огирлиги ва унувчанлик ўртасида ижобий боғлиқлик аниқланган. Чунки доннинг огир бўлиши унинг сифатли бўлишини таъминлайди. Сифатли уруғлик дон ўсимликларни стресс шароитга, жумладан, тупрок шўрланиш даражасига чидамли бўлишига ёрдам беради.

Ушбу маълумотлар эритма концентрацияси 10^{-7} тенг бўлганда дон огирлиги, хлорофилл ва унувчанлик жараёни учун ижобий муҳит яратилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Диссертациянинг «Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra L.*) ўсимлиги илдизининг sanoat чикиндиларини қайта ишлаш технологиялари» деб номланган тўртинчи бобида агрокимёвий вегетацион тадқиқотларни синовдан ўтказилаётган ўсимликларнинг ҳосилдорлигига таъсири, ширинмия илдизини қайта ишлаш, sanoat чикиндиларини утилизация қилиш ва чикиндилар асосида биоўғит олишнинг илмий-амалий ечимлари масалалари келтирилган.

Вегетация тажрибасида ўсимликнинг ўсиши ҳамда фазалар бўйича ривожланишини тавсифловчи фенологик кузатишлар ўтказилган. Ўсиш даврида ўсимликларнинг тавсифлари кўчатлар, барг, куртаклар, гуллаш, гуллаш - мева ҳосил бўлиши, пишишнинг бошланиши ва оммавий пишиш фазаларида амалга оширилди. Синов қилинган биоўғитларнинг

самарадорлигини текшириш бўйича ўстириш тажрибалари натижалари ва биоўғитнинг ўсимликларга таъсирининг самарадорлиги диаграммалар билан тасвирланган ва бу ерда 5.а-расмда глауконитли биоўғитлар таъсири остида пахта ўсимликларининг ўсиш динамикаси кўрсатилган, 5.б-расмда глауконитли биоўғитлар таъсири остида олинган ҳосилдорлик кўрсаткичлари келтирилган.



5.а-расмда- Ғўза ўсимликларининг ўсиш динамикаси глауконитли биоўғитларнинг таъсири

5.б-расмда - Глауконит ўғитлари таъсирида олинган ҳосилдорлик маълумотлари

Ғўзанинг шоналаш (ғунча боғлаш) даврида, олиб борилган фенологик кузатувлардаги кўчатнинг бўйи назоратда 36,25 см атрофида, ўрганилаётган 1:1 нисбатли ўғитлар ишлатилган вариантда эса 3,15 см юқорироқ бўлган. Бир ўсимликдаги кўсақларнинг умумий сони назоратда 16,75 донани, 3-вариантда 1:1 нисбатда ўғит қўлланилганда 21,5 донани ташкил этиб, бу 24-26% га кўп демакдир. Бир кўсақдаги пахта вазни назоратда 6,34 г ни, 1:1 нисбатли биоўғит қўлланилганда эса 6,46 г ёки назоратга нисбатан 1,8-2 фоизга юқори кўрсаткични ташкил этган. Ўрганилаётган 1:1 нисбатли биоўғитлар ишлатилиб, синовдан ўтказилган ўсимликлар гуруҳларидаги пахта ҳосили назоратга нисбатан 8,7-14,1 фоизга кўпроқ бўлганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор ГК, ГКМАТ, ГКМКТ ларнинг галл кислотаси билан турли хил нисбатлардаги сувда эрувчан супрамолекуляр комплекслари олинди.

2. Олинган супрамолекуляр комплексларнинг физик-кимёвий хоссалари ва кимёвий тузилишлари турли физик-кимёвий усуллар билан тадқиқ қилинди ва супрамолекуляр комплекслар ҳосил бўлишида молекулалараро водород боғлар ҳамда молекулаларнинг кутбсиз ноковалент ўзаро таъсирлашувлар ҳисобига бориши кўрсатилди.

3. Олинган супрамолекуляр комплекслар таркибидаги галл кислотанинг сифат ва миқдорий таҳлил учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди ва таркибида галл кислотасини аниқлашда мақбул усул сифатида тавсия қилинди.

4. Супрамолекуляр комплексларнинг барқарорлик константалари изомоляр сериялар усули асосида Гиббс эркин энергияси қиймати ўзгаришига қараб аниқланди ва супрамолекуляр комплекслар 2:1 нисбатда нисбатан барқарор бўлиши исботланди.

5. Галл кислотанинг ГКнинг ГКМАТ ва ГКМКТ билан ҳар хил нисбатлардаги супрамолекуляр комплексларининг биологик фаолликлари бугдой (*Triticum aestivum*) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганилиб, ушбу таркибларни келажакда бошқоқли ўсимликлар учун табiiй стимуляторлар сифатида ишлатишга тавсия қилинди.

6. Ширинмия илдизи саноат ишлаб чиқариш чиқиндиси ва табiiй минерал глауконит асосида қишлоқ хўжалиги экинлари учун самарали орғано-минерал ўғитнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилди ва таркиб учун патент олишга талабнома топширилди ҳамда уни қишлоқ хўжалик экинлари учун биоўғит сифатида қўлланилишга тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.K.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАСЫМОВ ШОДИБЕК ИСЛАМОВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ БИОСТИМУЛЯТОРОВ НА ОСНОВЕ
ГЛИЦИРРИЗИНОВОЙ КИСЛОТЫ И БИОУДОБРЕНИЕ НА ОСНОВЕ
ПРОМЫШЛЕННЫХ ОТХОДОВ ПЕРЕРАБОТКИ КОРНЯ СОЛОДКИ**

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером № В2021.4.PhD/К384 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Узбекистана.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Гулистанском государственном университете (ГУЛГУ).

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета при Ферганского государственного университета (www.fdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Матчанов Алимжон Давлатбоевич
Доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Арипова Салимахон
доктор химических наук, профессор
Жалолов Икболжон Жамолович
Кандидат химических наук

Ведущая организация: Андижан государственный университет


Защита диссертации состоится "15" 03 2022 г. в 14 часов на заседании Научного совета № PhD.03/30.12.2019.K.05.01 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19-дом. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93).

Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета за № 156, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19-дом. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).


Автореферат диссертации разослан " " 2022 г.

(Протокол рассылки № от " " 2022 г).




В. У. Хужаев
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.х.н., профессор

М. Ё. Имомова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёной степени,
доктор философии по химическим наукам (PhD)


Ш. В. Абдуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире одним из важных направлений исследований современной биоорганической химии является синтез и модификация биологически активных веществ, воздействующих в определенном направлении. Хотя природные соединения, выделенные из растений, обладают высокой биологической активностью, они имеют ряд преимуществ перед препаратами, полученными синтетическими методами, благодаря низкому содержанию побочных эффектов, чем у синтетических соединений, их совместимости с живым организмом и специфическим свойствам. Поэтому создание биостимуляторов, полученных из натуральных растений, которые ускоряют рост и развитие растений, получение биоудобрений на основе отходов переработки в промышленных масштабах корня солодки (*Glycyrrhiza glabra L.*), которая произрастает на территории нашей Республики и богата биологически активными веществами, имеет важную практическую роль.

Во многих крупных исследовательских центрах по всему миру проводятся научные исследования с целью обоснования соответствующих научных решений по созданию высокоэффективных биологически активных стимуляторов, полученных на основе растительного сырья: получение супрамолекулярных комплексов галловой кислоты с глицирризиновой кислотой (ГК) и некоторыми ее солями, повышение их растворимости в воде, и на основе отходов их переработки получение биоудобрений для сельскохозяйственных культур. В связи с этим особое внимание уделяется утилизации отходов растения солодки (*Glycyrrhiza glabra*) и получению на их основе биоудобрений для сельскохозяйственных культур.

Действует ряд предприятий, предназначенных для переработки растения солодки, произрастающего на территории Республики Каракалпакстан, Хорезмской, Сырдарьинской, Сурхондарьинской областей нашей Республики. В третьем направлении стратегии действий, направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан, определены важные задачи, ориентированные на "производство высококачественной готовой продукции на основе глубокой переработки промышленных высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, в первую очередь местных сырьевых ресурсов"¹. В связи с этим имеет важное значение проводить научные исследования по получению супрамолекулярных комплексных соединений глицирризиновой кислоты (ГК) и ее производных, основным веществом корня солодки с галловой кислотой (ГК), которая проявляет биостимулирующие свойства, а также изучению их биологической активности.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данная диссертационная работа в определенной степени сужит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 "О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5229 "О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью" от 7 ноября 2017 года, а также в других нормативных документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Настоящая научно-исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» и VII. «Химическая технология и нанотехнологии».

